# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi  www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 1-MAY, SESHANBA, 52 (7978) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Корхона томонидан очирилаётган жўжаларга талаб тобора ортиб бораётир. Ўтган йили нафақат Бешариқ тумани фермер хўжаликлари ёки аҳолига, балки водийдаги бир қатор туманларда фаолият кўрсатаётган ташкилот ва корхоналарга, ҳатто Хоразм вилоятидаги фермер хўжаликларига ҳам буюртма бўйича зотли жўжалар етказиб берилди.

2




Президентимиз соврини учун анъанавий ўтказилиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови юксак натижаларга эришаётган юзлаб, минглаб тадбиркорлар фаолиятига кўзгу бўлиб, уларни элга танитяпти. Кўплаб юртдошларимизга ибрат мактаби бўляпти. Буни «Ташаббус — 2012» кўрик-танлови якунлари ҳам яққол кўрсатди.

3



Бу даргоҳдаги ноёб осори-атиқалар ҳар бир инсонни беихтиёр сеҳрлаб қўяди. Қадим ва бой тарихимиз иси уфуриб турган кўҳна ёдгорликлар хаёлан узоқ асрлар қатига саёҳатга чорлайди, замонавий санъатга дахлдор тасвирий санъат асарларидаги турфа ранглар жилоси, жонсиз ёғочлардаги тириклик тилсими сизни ҳайратга солади...

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Уйчи туманидаги Ёрқўрғон қишлоғида қуриб битказилган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Қишлоқ кўркига кўрк қўшган олти сотихли ҳовли, уч, тўрт, беш хонадан иборат ушбу замонавий уйларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган барча қулайликлар мавжуд. Миллий урф-одатларимиз билан замон талабларига уйғун ҳолда лойиҳалаштирилган меҳмонхона, катталар ва болалар хоналари, сув, табиий газ, субоқова тармоқларига уланган ошхона, маиший-гигиеник хоналар оилаларнинг ҳар томонлама соғлом ҳаёт кечириши учун хизмат қилади.

**► Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетида қурилиш-архитектура соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш масаласига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирда Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти мутахассисларининг бунёдкорлик ишларида пишиқ, енгил ва сифатли қурилиш ашёларидан фойдаланиш, замонавий меъморий услубларни қўллаш борасида олиб бораётган тадқиқотлари ўрганилди.**

► Сирдарё педагогика коллежида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилди. Унга умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари таклиф этилди.

Наманган Вилояти

▼ 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

**Норин тумани Жўжа қишлоғида истиқомат қилувчи Усмон ота Аҳмедовни барча ҳурмат қилади. У 1941 йили, ҳали 17 ёшга кириб-кирмай Иккинчи жаҳон урушига кетди ва фашизм устидан қозонилган ғалабага ўз ҳиссасини қўшди. Урушдан қайтгач, қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали меҳнат қилди. Бугун фарзандлари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда.**

— Халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг юксак самаралари бугунги осуда ҳаётимизда ўзининг яққол ифодасини топмоқда, — дейди У.Аҳмедов. — Юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, аҳолига, айниқса, биз, фахрийларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**



Қашқадарё Вилояти

**Қашқадарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Т.Жўраев бошқарган йиғилишда 2012 йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама этилди.**

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Таҳлиллар шундан далолат беряптики, ўтган даврда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 104,3 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот 2012 йил биринчи чорагида соҳалар бўйича таҳлил қилинганда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланишда кескин ўсишга эришилди. Вилоятда январь-март ойларида 1248,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсишга эришилди. Саноатнинг саккизта тармоғи бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш прогнози ортиғи билан бажарилиши ҳисобига 42,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўтган даврда 88 та лойиҳа бажарилди. Натижада 5,8 миллиард сўм инвестиция эвазига 590 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, Ғузор туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалигида нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Китоб туманидаги "Осиё жавоҳирлари" хусусий фирмасида мармар тошни қайта ишлаш, Деҳқонобод туманидаги "Эшназаров Зиёдулла Нуралиевич" хусусий фирмасида макарон маҳсулотлари, Қарши туманидаги "Ал Саит суви" МЧЖда сутни қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди.

Вилоятда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, намунавий массивларда янги мактаб, коммунал соҳа иншоотлари қурилишида кенг кўламдаги ишлар бажарилди. Бундан ташқари, вилоятда ҳудудий инвестиция дастурига асосан 35 та кичик ишлаб чиқариш иншооти фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, йиғилишда аниқ тадбирлар режаси белгилаб олинди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

▼ БУНЁДКОРЛИК

## ГУЛИСТОН ЯНАДА ГЎЗАЛЛАШМОҚДА

**Кейинги йилларда шаҳарсозликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уй-жойлар, гузарларнинг қурилаётганлиги қишлоқ ва шаҳарларимизнинг янада обод ва кўркам бўлишини таъминлаётир. Мустақиллик йилларида Гулистон шаҳрининг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. 2011-2012 йилларга мўлжалланган истиқболли дастурга кўра, биргина шу йилнинг ўзида 7 миллиард 571 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга ошириш кўзда тутилганлигини инобатга олсак, шаҳарнинг янада обод бўлишига, шубҳа йўқ.**

Айни чоғда шаҳарнинг қатор кўчаларида кенг миқёсдаги қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Икки босқичли дастурга мувофиқ, Ўзбекистон ва Сайхун кўчаларида 2 та 18 хонадонга, 6 та 64 хонадонга, 2 та 16 хонадонга мўлжалланган 3 қаватли уйлар қурилиб, қисқа вақтда ўз соҳибларига топширилади.

Шунингдек, Ш.Рашидов кўчаси ва унга ёндош кўчаларда савдо, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчаларига эга бўлган икки қаватли 40 та 5 хонали уйлар қурилиши шу йилнинг охиригача поёнига етказилади.

Шаҳар ҳудудидан ўтган "Тошкент-Самарқанд" йўли атрофининг қиёфасини ўзгартириш, янада кўркамлаштириш мақсадида йўлларни таъмирлаш, четларига гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Дастурда белгиланганидек, аҳолини табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмати кўрсатишни янада яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.



— Касбимиз қурилиш ишларини сифатли бажаришни тақозо этади, — дейди ихтисослаштирилган санъат мактаби биносини қайта реконструкциялаш ишларини бажараётган "Давр" қурилиш фирмаси иш бошқарувчиси Искандар Араббоев. — Иш суръатини ошириб, Мустақиллик байрамигача замонавий архитектура талабларини ўзида мужассам этган санъат мактаби қурилишини ниҳоясига етказамиз.

**Элмурод МАВЛОНОВ**

Навоий Вилояти

## ПАРҲЕЗБОП МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЯДИ

**Зарафшон шаҳридаги "Нурли диёр" масъулияти чекланган жамияти аҳолини парҳезбоп гўшт ва тухум маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослашган бўлиб, бу ерда Хитой технологиялари асосида барпо этилган паррандачилик цехида 8 мингга яқин товуқ боқилмоқда.**

— Кунига 6 мингга яқин тухум олиб, бозордаги савдо дўконимизга сотувга чиқаряпмиз, — дейди жамият раҳбари Жамолиддин Жўрақулов. — Жорий йилда паррандалар сонини 13 мингтага етказиш ниятидамиз. Хўжалик томорқасидан ҳам унумли фойдаланиш мақсадида 40 сотих ерга помидор, бодринг ва турли сабзавотлар экдик. Иқлим шароитидан келиб чиқиб, томчилатиб суғориш йўли билан 1 гектар ерга олма дарахти экиб, парвариш қилмоқдамиз. Бу эса қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берди.

**Маърифат ШАРИПОВА**

## ФАОЛ, ТАШАББУСКОР ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

**Юртимиз истиқболи ва таянчи бўлган ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизда самарали ишлар амалга оширилаётир. Шу ўринда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.**

КАМОЛОТ

Ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали келажак авлодни гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва бошқа иллатлардан ҳимоя қилиш ҳамда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилаётган ишлардан кенг жамоатчиликни хабардор этиш мақсадида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий Кенгаши маъсул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Ҳозирги кунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўқув муассасалари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассасаларда таҳсил олаётган, хизмат қилаётган ёшларнинг ташаббуслари билан ташкил этилган 15617 та бошланғич ташкилотга эга. Ҳаракатнинг 14 та ҳудудий, 194 та маҳаллий бўлим Кенгашлари бевосита бошланғич ташкилотлар ва ёшлар фаолиятига яқиндан кўмаклашмоқда. Шу билан бирга, Ҳаракат ҳомийлигида "Камалак" болалар ташкилоти ҳам фаолият олиб бормоқда.

Ҳаракат тизимлари томонидан 2011 йилда кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Ёшларни Ватанга муҳаббат туйғусида тарбиялаш борасида 2011 йил декабрь – 2012 йил январь ойларида Ҳаракат тизимларида "Оммавий ватанпарварлик ойлиги" эълон қилиниб, унинг доирасида 400 дан ортиқ тадбир ташкил этилгани ва бунга 110 мингга яқин ёшлар жалб қилинганлигини мисол тариқасида айтиб ўтиш мумкин.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ёшларнинг бўш вақтларини фойдали меҳнатга жалб этиш, вақтинча ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг юртимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларидаги иштирокига кўмаклашиш мақсадида 2007 йилдан буён "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси ташкил этилиб, унда 35 минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этдилар.

Ёшлар ўртасида бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳага касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кенг жалб қилиш мақсадида ҳам "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва банклар ҳамкорлигида бир қатор лойиҳа ва кўргазмалар ўтказилиб келинмоқда. 2011 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчилари ўртасида "Менинг бизнес ғоям" деб номланган янги танлов эълон қилинди. Ушбу танловда жами 22 минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган 301 нафар иштирокчига тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда қатор лойиҳалар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Йиғилишда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олишди.

**Нилуфар САПАЕВА**

**Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси фаолияти ва соҳада эришилаётган ютуқлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Унда Президентимизнинг 2011 йил 21 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Дастурни амалга ошириш доирасида олиб борилаётган ишлар хусусида ахборот берилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи чорагида узунлиги 50 километрлик темир йўл қайта тикланди ва такомиллаштирилди. Қатор лойиҳалар бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда.

Хусусан, "Қарши–Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш" лойиҳаси бўйича муайян иш бажарилди. 187 километрлик Жиззах–Янгиер электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш мўлжалланмоқда.



"Тошкент–Самарқанд" ва "Навоий–Учқудуқ–Султонувайстоғ–Нукус" янги темир йўл инфратузилма объектлари қурилишини якунлаш лойиҳаси юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Анжуманда компания инвестиция дастурига киритилган бошқа лойиҳаларнинг бажарилиши, юк ва йўловчи ташиш ҳамда маҳаллийлаштириш дастурига биноан амалга оширилган ишлар, янги йўллар барпо этиш, юк ташувчи ва йўловчи ташувчи вагонларни қайта тиклаш, модернизация қилиш, локомотив ҳамда вагонлар паркини янгилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам атрофлича маълумот берилди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Фарғона Вилояти

▼ ПАРРАНДАЧИЛИК

# ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАНЛАРГАГИНА ХАЗИНА КЎЗИ ОЧИЛАДИ

**Бешариқ туманидаги “Водий наслли парранда” хусусий кичик корхонаси раҳбари Боҳиржон Турдиалиевни айни қизғин иш жараёнида учратдик. У умумий қиймати 175 миллион сўмни ташкил этувчи янги омборхона қурилаётган жойда бўлиб, қудратли техника ёрдамида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларини кузатар ва лозим пайтларда бунёдкорларга ўзининг йўл-йўриқларини кўрсатаётган эди.**

— Қурилиш лойиҳаси ўзимизники-да, — дея саволимизга жавоб беради Боҳиржон. — Шу боис, ишнинг тепасида бўлмасак, кўнгил жойига тушмайди. Хусусий кичик корхонамиз 1991 йил фаолият бошлаган. Ўшанда паррандачилик фермамизда бор-йўғи 200 та парранда бўлиб, икки нафар ишчиси бор эди.

Бугунги кунга келиб, мазкур паррандачилик корхонасининг ишчи-хизматчилари сони 50 нафарни, паррандалар сони эса 85 минг бошни ташкил этаётир. Мавжуд паррандаларнинг барчаси “Ломанн-браун” зотли товуқлардир. Улардан йилига ўрта ҳисобда 6,5 миллион дона тухум етиштиришга эришилмоқда. Тўғри, паррандачилик — етти хазинанинг бири. Аммо шу ўринда доноларнинг бир гапини унутмаслик лозим. “Ҳолва дегани билан оғиз чучимайди, осмондан эса чалпак ўз-ўзидан ёғилмайди”. Бекорга “Сендан ҳаракат, мендан баракат” дейилмаган, ахир?!

Аввалига, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Фарғона филиалида, кейинчалик ўқишни Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида давом эттириб, уни муваффақиятли тамомлаган Боҳиржон Турдиалиев ўзидаги бор билим ва иқтидорни ишга солди. Собиқ “Бешариқ” ширкат хўжалигининг таъмирга муҳтож бўлиб ётган сут-товар фермасини ижарага олди. Уни паррандачиликка мослаштириб, реконструкция ишларини амалга оширди. Кичик корхона қошида ойига ўртача 165 минг дона жўжа очиришга мўлжалланган инкубатория ҳам ишга туширилди. Тиниб-тинчимаган тадбиркор Самарқанддаги “Оҳалик-Ломанн-парранда” Ўзбекистон–Германия қўшма корхонаси билан ўзаро шартнома тузиб, зотли товуқларнинг 10 минг дона тухумларини олиб келтирди ва мазкур инкубаторияда жўжалар очиришни йўлга қўйди. Буларнинг барчаси хусусий кичик корхонанинг кенгайишига, иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусий корхона ишчи-хизматчилари сафи Тоиржон Саидалиев, иш юритувчи Азизбек Турдиалиев, ишчилар Шоҳиста Ашурова, Марғуба Ғаниева, электр устаси Рафиқжон Мадуноров каби малакали ишчи-хизматчилар билан кенгайди.



Боҳиржон Турдиалиев изланишдан чарчамайди. У пойтахтимизда ўтказилган “Агроминитехэкспо” кўргазмасида қатнашиб, “Ўзбеклизинг интернейшнл” компанияси кўмагида Украинанинг “Техно” компанияси билан шартнома тузди. Тез орада паррандачилик корхонасига замонавий линиялар келтирилиб ўрнатилди. Ишлаб чиқаришга янги технологияни жорий этилиши ўзининг ҳар тарафлама афзалликларини кўрсата бошлади.

Корхона ҳаёти билан яқиндан танишаётиб, бу ерда ишчи-хизматчилар учун қулай иш шароити яратилганлиги эътиборимизни ўзига тортди. Дам олиш хонаси телевизор ҳамда саккиз турдаги матбуот нашрлари билан таъминланган. Шунингдек, корхона ошхонасида ишчи-хизматчилар учун бепул уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Бундан ташқари, корхона ходимларининг ишга келиб-кетишлари учун алоҳида автомобиль ажратилган.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта аҳамият берилгани боис, — дейди “Шуҳрат” медали соҳиби Боҳиржон Турдиалиев, — биз каби тадбиркорларнинг сафи йилдан-йилга ортиб бораётир. Барча саъй-ҳаракатларимиз қўллаб-қувватланаётганлиги, айниқса, тармоқни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси парранда саноат уюшмаси ташкил этилганлиги ва соҳа вакилларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатилаётгани айни муддао бўлаётир. Буларнинг барчаси бизларни янгиликка интилиб, ишлашга чорлайди.

“Водий наслли парранда” хусусий кичик корхонаси томонидан очирилаётган жўжаларга талаб тобора ортиб бораётир. Ўтган йили нафақат Бешариқ тумани фермер хўжаликлари ёки аҳолига, балки водийдаги бир қатор туманларда фаолият кўрсатаётган ташкилот ва корхоналарга, ҳатто Хоразм вилоятидаги фермер хўжаликларига ҳам буюртма бўйича зотли жўжалар етказиб берилди. Буларнинг барчаси хусусий кичик корхонанинг катта ишларидан далолат бераётир.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

# ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Унда Бош прокуратура масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган мингдан зиёд қонун ҳужжатларидан иборат мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Тадбирда 2011 йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида прокуратура органлари томонидан ўтказилган тадбирлар, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига оид маълумотлар тақдим этилди. Жумладан, белгиланган давр ичида қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш бўйича 1144 та протест келтирилган бўлиб, прокуратура томонидан 1661 нафар мансабдор шахслар қонун бузилишига йўл қўймаслиги лозимлиги ҳақида расман огоҳлантирилган. Шунингдек, 1027 нафар шахс интизомий, 326 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, тадбиркорларнинг 11 миллиард сўмдан ортиқ ҳақларини ундириш юзасидан судларга 1000 дан ортиқ аризалар киритилган, қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан эса 155 та жиноят иши қўзғатилган.

— Белгиланган даврда прокуратура органларининг “Ишонч телефонлари”га тадбиркорлик субъектларидан 2800 дан ортиқ мурожаат келиб тушиб, улардан 2265 таси қаноатлантирилди ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, — дейди Бош прокурор ўринбосари Ж.Файзиев. — Прокуратура органлари томонидан маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 430 мингдан ортиқ тадбиркор билан бевосита 8800 дан зиёд учрашувлар ўтказилиб, 6700 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилди. Идорамиз томонидан тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ноқонуний текширувларни чеклаш мақсадида тадбиркорлик субъектларини текширувдан ўтказиш рўйхат дафтарчаси ҳамда “Ишонч телефонлари” жорий этилгани катта самара бермоқда. Шу ўринда “007 — ишонч телефон рақамига қўнғироқ қилганда гўшакни ҳеч ким кўтармайди” деган гаплар бўлаётгани учун кўп бора айтилган бўлса-да, тушунмовчиликлар давом этаётгани сабабли яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. “007 — ишонч телефони”га қўнғироқлар мобиль алоқа тизимидаги телефонлардан қабул қилинмайди. Бунинг учун турғун телефон тармоғидан фойдаланиш лозим.

Тадбир якунида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда тарғибот ишларини кучайтириш, хусусан, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада яхшилаш лозимлиги таъкидланди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлар, хорижий инвестор ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар йўналишида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

# Ҳуқуқий ҳимоя такомиллашмоқда

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган.

Адлия вазирлиги томонидан фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мурожаатларини белгиланган тартибда ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида 2011 йил ва жорий йилнинг 1-чораги давомида мазкур йўналишларда кўриб чиқилган мурожаатлардан 3 минг 500 дан ортиғи қаноатлантирилганлиги, мурожаатларни кўриб чиқиш механизмини такомиллаштириш мақсадида вазирлик ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларида “Ишонч телефон”лари ишлаб турганлиги, улар орқали мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиблари ҳақида батафсил маълумот берилди. Жумладан, ўтган даврда Адлия вазирлиги томонидан бу борадаги қонун ҳужжатларига риоя этилишни ўрганиш натижаларига кўра аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларига 9 минг 500 дан ортиқ тақдимномалар киритилган.

“Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида вазирлик томонидан тегишли идоралар, нодавлат ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда фуқаролар билан бевосита учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Уларда фуқароларга инсон ҳуқуқлари, шартномавий муносабатлар, тадбиркорликка оид қонунчилик юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилаётир.

Матбуот анжуманида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

▼ КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

# Истиқболи порлоқ қўшимча тармоқ

**“Шўртаннефтгаз” унитар шуъба корхонасида чорва наслчилигида илғор тажрибаларга бағишланган республика ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги чорвачилик ва наслчилик ишларига дахлдор ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислар иштирок этдилар.**



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси бошлиғи Равшан Комилов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатлари асосида олиб борилаётган ишларни атрофлича таҳлил этиб, наслчилик ишларини янада такомиллаштириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларга тўхталдилар.

Ушбу семинарнинг бу ерда ўтказилишининг боиси шундаки, корхонанинг қорамолчиликка ихтисослашган қўшимча тармоғида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Дастлаб бу ерга Украинадан 1000 бош “Қизилчўл” ва “Қизил ола” зотли қорамоллар олиб келинган ҳамда уларни парваришлаш учун замонавий чорвачилик комплекси қурилиб, ишга туширилганди. Хориждан келтирилган қорамолларни табиий-иқлим шароитига мослаштириш учун кенг кўламли ишлар олиб борилди. Ишнинг фан ютуқлари, зооветеринария қоидалари ҳамда илғор тажрибалар асосида ташкил этилгани ўз самарасини берди.

Ўтган йили қорамоллар бош сони 2,5 минг бошга етди. Ҳар юз бош сигирдан 86 бошдан бузоқ олинди. Тармоқ ташкил этилгандан шу кунгача қорамоллар ва улардан олинган наслли бузоқлар иқлимга мослаштирилиб, 1006 бош наслли моллар “Ўзбекнефтгаз” компанияси тизимидаги ташкилотлар ва вилоят наслчилик корхонаси орқали фермер хўжаликларига ҳамда аҳолига сотилди. Ҳар бир сигирдан 3285 килограммдан сут олинди. Биргина ўтган йили 105 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. Иш ўрни 144 тага етди.

2010 йилда сутни қайта ишлаш цехи ишга тушди. Бунинг учун Россиядан 500 миллион сўмга замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Айни кунда бир кеча-кундузда 10 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган мазкур цехда саккиз турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилляпти.

Тармоқда йил сайин иқтисодий самарадорлик ошиб боряпти. Ўтган йили ялпи даромад бир миллиард 94 миллион сўмни, соф фойда эса 130 миллион сўмни ташкил этди.

Жорий йилдаги режалар янада юксак. Айниқса, механизациялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 500 бош қорамолга мўлжалланган замонавий чорвачилик комплекси фойдаланишга топширилди. Автоматлаштирилган бу комплексда наслли қорамолларни парваришлаш учун барча имкониятлар яратилди. Мавжуд 500 бош сигирдан 400 бош бузоқ олиш учун бутун куч ва имкониятлар ишга солиняпти.

— Биз бу ерда кўп нарсаларни ўргандик, — дейди Фарғона вилояти наслчилик инспекцияси бошлиғи Акмал Саидов. — Айниқса, қорамолларни ўз вақтида турли касалликлардан асраш учун қилинган мослама эътиборимизни тортди. Қорамолни махсус трубадан ясалган мослама ичига киритиб, туёғини тозалаш орқали уни турли касалликлардан фориғ этиш мумкин экан.

Семинар қатнашчилари корхонанинг чорвачилик тармоғидаги наслчилик ишлари ва унинг юритилиши, замонавий технологиялар асосида сут ва гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар билан яқиндан танишдилар.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Тошкент Вилояти

# ҲАЛОЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

**Юқори Чирчиқ туманидаги Суранкент қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қизилсой маҳалласида истиқомат қилувчи Зайлиддин Нурматов фермерлик ҳаракати бошланган йилларда 9 гектар ер олиб, “Нурмат ота” фермер хўжалигини ташкил этганди. Ҳозирги кунга келиб, у бошлиқ фермер хўжалиги аъзолари 50 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда.**

Фермер хўжалигида бугунги кунда 160 та қорамол, шундан 30 таси соғин сигир ҳамда 100 та қўй боқилмоқда. Фермер бир неча бор “Ташаббус” кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида қатнашиб, “Энг яхши фермер” йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган. Отаси Ортиқбой Нурматов барча фарзандларига доим: “Ҳалолликда ҳикмат кўп”, деган пурмаъно сўзларга амал қилиш керак, дея уқтирарди. Шундан бўлса керак, ҳамиша яхшиларга суяниш, виждонли ва ориятли бўлишга ҳаракат қилиб келади. Шунингдек, кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўлиб келмоқда.

Суранкент қишлоқ фуқаролар йиғинининг Янгиобод кўчасида 760 метрдан зиёд жойга асфальт ёткизилишида, Қизилсой маҳалласи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашда, кам таъминланган оилаларга хайрия ёрдами беришда фаол иштирок этиб келяпти.

**Латифжон МАНСУРОВ**

Самарқанд Вилояти

**Деҳқон меҳнатининг самарасини кўрсатадиган омиллардан бири бу минерал ўғитлардан мақбул муддатда фойдаланишдир. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда фермер хўжаликларини минерал ўғитлар билан таъминлаш сифати тубдан яхшиланди. Бугунги кунда минерал ўғитлар деҳқоннинг даласигача етказиб берилмоқда.**

# СИФАТЛИ ОЗИҚЛАНТИРИШ — ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАДИ

— Ҳозиргача вилоятдаги мавжуд ғалла майдонларига икки марта минерал ўғит берилди, — дейди вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий очиқ акциядорлик жамияти таъминот бўлими бошлиғи Шерзод Олимов. – Вилоят бўйича жами 110 минг 100 гектар ғалла майдонида биринчи озиқлантириш қисқа фурсатда уюшқоқлик билан ташкил этилди. Ҳар гектар ғалла майдонига 200 килограммдан ўғит сепилди. Иккинчи озиқлантириш эса ўртача ўн кунда ниҳояланиб, гектарига 300 килограммдан минерал ўғит етказиб берилди. Мазкур ишларни сифатли ўтказиш учун 273 та махсус гуруҳ ташкил этилди. Мавсум давомида 913 та ташув ва 425 та ўғит сепиш техникалари ишлаб турди. Ҳар куни ўртача 10 минг 600 гектардан зиёд ғаллазорлар сифатли озиқлантирилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ғаллани баргидан озиқлантириш ҳосилдорликни 5-10 центнергача оширади. Бундан ташқари, суспензия қилинган ғалла майсалари турли касалликларга чидамли бўлади. Шу боис, вилоятда суспензияни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ташкил этилган 253 та гуруҳ фермерларга яқиндан кўмак беришаётир. Шу кунгача 286 та ОВХ ва 2016 та қўл аппарати ёрдамида белгиланган 18 минг гектардан зиёд майдон икки бор суспензия қилинди.

— Туманимиз вилоятда энг кўп ғалла етиштиради, ғалла майдонлари ҳам бошқа туманларга қараганда кўп, — дейди «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ Пастдарғом тумани филиали мудири Отабек Эшқулов. – Фермерларимиз шу кеча-кундузда ғалла майсаларини иккинчи озиқлантиришни ниҳоясига етказмоқда.

**Акбар ҚАРШИЕВ**

Хоразм Вилояти

# «ШОВОТ БЎЁНИ»

## УНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЎЛАЛИГИЧА ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

**Табиатга доир китобларда чучукмия, қизилмия деб номланган мазкур ўсимлик илдизидан қадимдан матоларни бўяшда фойдаланилгани боис уни аҳоли бўён деб атайдилар. Аслида ёввойи ҳолда ўсадиган ва чорва моллари учун хашак сифатида фойдаланиб келинган бўён томирлари таркибида турли фойдали элементлар бўлиб, айрим касалликларнинг олдини олиш, кишилар саломатликларини мустаҳкамлашда ишлатилади. Дори-дармонлар олинади, косметикада қўлланилади.**



Тадбиркор Шуҳрат Хўжамуратов минг бир хосиятга эга бўлган табиатнинг бегиннат бу неъматидан юртимиз равнақи, элимиз фаровонлиги йўлида фойдаланиш тадбирларини излади. Олимлар билан суҳбатлашди, табиатга доир илмий адабиётларни кўздан кечирди ва журъат билан хайрли ишга қўл урди — бўён томирларидан хомашё тайёрловчи “Шовот бўёни” агрофирмасини ташкил қилди. Унинг мақсадини тушунган ва ташаббусини қўллаб-қувватлаган мутасаддилар Шовот туманининг бир чеккасидан 108 гектар ер ажратиб бердилар. Фаолиятини тўхтатган автокорхона биноси ижарага берилди. Ш.Хўжамуратовнинг бетиним ҳаракатлари натижасида Жанубий кореялик ҳамкорлар ҳам топилди. Хорижлик инвесторлар зарур ускуна ва жиҳозларни олиб келиш ҳамда ўрнатишни ўз зиммаларига олдилар. Шу тариқа ўтган йилдан бўён томирларини қайта ишлаб, хорижга экспорт қилиш йўлга қўйилди.

2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да Юртбошимиз томонидан соҳага қаратилган эътибор, яратилаётган имкониятлар натижасида корхонанинг тўла ишлаши учун зарур бўладиган техникаларнинг 70 фоиздан зиёди келтириб ўрнатилди. Бинолар таъмирланди ва ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Бугунга келиб, корхонада 82 нафар йигит-қиз меҳнат қилишмоқда. Бу ерда иш жараёнлари ҳам оддий — келтирилган бўён томирлари ювилади, кейин маълум ўлчамда кесилади, навларга ажратилиб, махсус қозонларда пиширилади ва қопларга жойлаштирилиб, хорижга жўнатилади.

Маълумки, бўён ёввойи ўсимлик бўлиб, сувсизликка ўта чидамли, ариқ ва зовурлар бўйларида, далалар четларида ўсаверади. Лекин унинг томирларини олишда қулай бўлиши учун далаларга экиб, ўстириш ҳам йўлга қўйилди — 17 гектар майдонда бу ўсимлик парваришланмоқда. Ўтган йили корхонада тайёрланган 60 тонна бўён томири Жанубий Кореяга юборилди. Харидорлар бу маҳсулотга талаб катта эканлигини билдирдилар. Шунингдек, агрофирма ходимлари томонидан полиз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш бўйича ҳам тажрибалар олиб борилмоқда. 2011 йилда Кореядан қизил мош ва хайрграс — полиз экини уруғлари келтирилиб, синов тариқасида 40 сотихлик майдонга экилди ва улардан кўнгилдагидек ҳосил олинди. Таъми ҳам улар тупроғида ўсганидан фарқ қилмайди — хуштаъм, сувсизликка чидамлилиги эса янада маъқул бўлди. Натижада қизил мош ва хайрграс бу йил бир гектар майдонга экилди.

— Амалдаги йилда Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой мамлакатлари ишбилармонлари билан 500 тонна бўён томири етказиб беришга шартнома имзолаганмиз, — дейди агрофирма раҳбари Шуҳрат Хўжамуратов. — Шу кунгача 60 тонна маҳсулот шу мақсадда тайёрлаб қўйилди ва ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Галдаги ниятимиз бўён томирларини ўзимизда қайта ишлашни йўлга қўйиб, ундан турли маҳсулотлар тайёрлашни режалаштирмоқдамиз. Бу борада корхонамиз технологи Роберт Аннинг саъй-ҳаракатлари самарали бўлмоқда. Яқин ойларда Германиядан ҳам янги технологиялар келтирилиши кутилмоқда. Агар бу ишлар амалга ошса, яна 40 та янги иш ўрни очилади, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортади.

Айни кунларда агрофирма далаларида бўён ва синов тариқасида экилган экинлардан юқори ҳосил олиш мақсадида улар агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ

# ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ ЖАВОҲИР

## И.САВИЦКИЙ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА БИР КУН



**Бу даргоҳдаги ноёб осори-атиқалар ҳар бир инсонни беихтиёр сеҳрлаб қўяди. Қадим ва бой тарихимиз иси уфуриб турган кўҳна ёдгорликлар хаёлан узоқ асрлар қатига саёҳатга чорлайди, замонавий санъатга дахлдор тасвирий санъат асарларидаги турфа ранглар жилоси, жонсиз ёғочлардаги тириклик тилсими сизни ҳайратга солади...**

"Ниҳоятда ҳайратланарли ва ажойиб! – дейди АҚШнинг Массачусетс штатидан келган профессорлар Сью Александр ва Виктория Полетто Игорь Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи экспонатлари билан танишар экан. – Аманда Поуп ва Чавдар Георгиев томонидан ушбу музей тўғрисида суратга олинган ҳужжатли фильмни кўрганимиздан сўнг бизда унинг ноёб экспонатлари билан бевосита танишиш истаги пайдо бўлди. Мана, орзуимизга етдик, узоқ йўл босиб бу ерга келиб, хато қилмабмиз. Зеро, шу ерда, экспонатлар олдида, бугунги кун ва ўтмишни ажратиб турувчи вақт тўсиғи кўтарилиб, ўзингизни гўё қадимий дунё қаршисида тургандек ҳис этасиз, бир замонлар аёллар ҳуснига зеб берган турфа тақинчоқлар қулоқларингиз остида жаранглагандай бўлади. Дунёда ягона ва такрорланмас мазкур музей экспонатлари бизда ғоят катта таассурот қолдирди. Айниқса, ўзбек, қорақалпоқ, рус рассомлари томонидан яратилган турли жанрдаги асарларни таърифлашга сўз ожиз. Ўзингни худди ранглар оламига тушиб қолгандек ҳис қиласан, киши. Бундай буюк маданиятга эга халқ дунёда камдан-кам топилади. Мазкур санъат даргоҳини халқингизнинг жаҳон аҳлига ўзига хос совғаси, дейиш мумкин. Давлатингиз томонидан санъат ривожига улкан эътибор қаратилиб, ушбу музей ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, бу ерда жамланган умумбашарий аҳамиятга эга маданий мерос халқаро миқёсда кенг тарғиб қилинаётгани таҳсинга сазовордир".

Ҳа, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида маънавият ва санъат ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида нафақат халқимиз, балки жаҳон аҳли бой ва ранг-баранг маданиятимиз дурдоналаридан баҳраманд бўлмоқда, уни кенг эътироф этмоқда.

Инсоният тарихи маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва кучқудрати манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди, деб ёзади Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида. Давлатимиз раҳбари ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини, бу борада маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлайди.

Мамлакатимизда халқ маънавиятини юксалтириш борасидаги ишлар тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш сингари хайрли амалларни бажариб келаётган музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларда сақланаётган маданий бойликларни кенг тарғиб қилиш соҳасидаги изчил саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Нукус шаҳридаги санъат музейи халқимиз фахрига, бой маданиятимиз тимсолига айлангани бунинг далилидир.

Палеолит давридан бошлаб ҳозирги давр маданиятига оид экспонатларни қамраб олган ушбу музейда қадимий Хоразмнинг моддий ва бадиий-маданий ёдгорликлари, Оролбўйи минтақаси халқлари амалий санъати намуналари кенг ўрин олган. Тасвирий санъат бўлимини эса жавоҳирлар



хазинаси дейиш мумкин. Бу ерда XX аср бошида ижод қилган ўзбек ва қорақалпоқ мусаввирлари, рус авангарди вакиллари асарларидан иборат ноёб ва улкан мажмуа тўпланган.

Музей экспозицияси ва фондларида 90 мингга яқин экспонат жамланган. Улар асосан музей асосчиси ва биринчи раҳбари Игорь Савицкий томонидан тўпланган. Тақдир тақозоси билан ҳаёти юртимиз билан боғланган бу инсон халқимиз тарихи, маданияти, санъати, урф-одат ва анъаналарига катта меҳр қўйган. У 1950-1957 йилларда таниқли шарқшунос олим Сергей Толстов раҳбарлигида Хоразм археология-этнография экспедицияси рассоми сифатида Оролбўйида бўлиб, ушбу ҳудуд халқлари тарихи, турмуш тарзи, маданияти, тили, адабиётини чуқур ўрганган, қорақалпоқ овулларини кезиб, халқ амалий санъати намуналарини тўплашда иштирок этган. Бу заминга меҳри тушиб, бир умр қорақалпоқ диёрида қолган.

И.Савицкий қишлоқ ва овулларни гоҳ аравада, гоҳ яёв кезиб, замона зайли билан йўқолиб бораётган миллий либослар, заргарлик буюмлари, гиламлар, хўжалик ва уй-рўзғор анжомлари, ўтов безаклари, от-улов абзаллари, ҳунармандлик намуналарини йиғиб, уларни қайта тиклайди. Кейинчалик ўтган аср бошида Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ижод қилган рассомлар асарларини, рус авангарди намуналарини тўплай бошлайди. Айни пайтда ўзи ҳам Оролбўйининг гўзал табиати манзараларини матога кўчиради, бир қатор қорақалпоқ рассомларига устозлик қилади.

1966 йилда Нукус санъат музейи ташкил этилади. Қадимги Хоразм ёдгорликларида олиб борилган археологик қазишмалар чоғида аниқланган топилмалар, экспедициялар давомида тўпланган халқ амалий санъати намуналари ушбу музейдан жой олган. Дастлабки пайтлари музей директори, экскурсоводи, қоровули вазифаларини унинг ўзи бажаришига тўғри келади. Бугунги кунга келиб жумлаи жаҳонга донғи кетган музейга шу тариқа тамал тоши қўйилган.

Музейнинг тасвирий санъат бўлими ўтган асрнинг 20-30-йиллари Ўзбекистон тасвирий санъати, XX аср рус тасвирий санъати ва қорақалпоқ тасвирий санъатига бағишланган. Ундан И.Савицкийнинг фидойилиги туфайлигина сақланиб қолган минглаб рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари ўрин олган. Мазкур асарларнинг аксарияти 1910-1940 йилларда ўзбек ва рус рассомлари томонидан авангард йўналишида яратилган бўлиб, совет даврида муносиб эътибор кўрсатилмаган, аксинча, таъқиб ва тазйиққа учраган эди. Ваҳоланки, айнан мазкур асарлар XX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё ва Россия санъатининг ажойиб намуналари сирасидан жой олган. Уларнинг муаллифлари миллий ва жаҳон санъатида шуҳрат қозонган рассомлардир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши И.Савицкий фаолияти ва ижодини муносиб баҳолаш, унинг коллекциясини оммалаштириш, халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш борасида беқиёс имкониятлар очди. Музейга И.Савицкий номи берилди, 2002 йилда мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ, Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган юртдошларимиз қатори Игорь Савицкий ҳам "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Истиқлол йилларида И.Савицкий номидаги санъат музейи йирик маънавият ва маданият марказига айланди. 2003 йилда музей янги замонавий бинога кўчиб ўтгач, экспонатларни музей талабларига мос ҳолда намойиш этиш, сақлаш, реставрация қилиш учун қулай шароитлар яратилди. Президентимиз Ислом Каримов ушбу муҳташам санъат маскани ва ундаги ноёб экспонатларни кўздан кечириб, музейнинг миллий маданиятимиздаги ўрни ва аҳамиятига юксак баҳо берди.

Мамлакатимиз маданий ҳаётидаги турли тадбирларнинг доимий иштирокчиси бўлган ушбу даргоҳни янада ривожлантириш ҳукуматимизнинг алоҳида эътиборида. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил сентябрь ойида музей комплексининг иккинчи навбатини қуришга оид қарор қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикасида сайёҳликни ривожлантириш ва сайёҳлик хизматларининг экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича қабул қилинган ҳужжатда Нукус санъат музейини хорижда изчил реклама қилиш бўйича кенг кўламли вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимизга, хусусан, Оролбўйига келган кўпчилик меҳмонлар, турли даражадаги делегациялар, санъатшунослар, мутахассислар ва сайёҳлар албатта ушбу музей билан танишишга интилади. Унинг номи Лувр, Эрмитаж музейлари, Дрезден, Третьяков галереялари қаторида тилга олинмоқда. Мутахассислар ва жаҳон матбуотининг эътироф этишича, Нукус санъат музейи Осиё минтақасидаги энг яхши ва бой бадиий асарлар коллекциясидир.

Музей асарларининг аҳамияти тўғрисида АҚШнинг Марказий Осиё институти раҳбари Фредерик Старр қуйидагича ёзган эди: "Бу мўъжиза, мўъжизанинг ўзи! Мен уни кўриш учун бу ерга бажонидил, пиёда бўлса ҳам келар эдим". Англиянинг «Гардиан» газетаси "Савицкийнинг яширин хазинаси" мақоласида мазкур музейни ер юзидаги энг гўзал музейлардан бири сифатида таърифлайди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Жаҳон миқёсида Савицкий коллекциясига бўлган қизиқиш ошган сари музейнинг халқаро алоқалари кенгайиб бормоқда. Музей Эрмитаж, Амстердам музейи, А.Пушкин номидаги Россия тасвирий санъат музейи, Третьяков галереяси, АҚШнинг Смитсон институти каби жаҳонга машҳур санъат кошоналари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Шу пайтга қадар музейнинг кўплаб ноёб экспонатлари Германия, Франция, Италия, АҚШ, Австралия, Нидерландия, Испания сингари давлатлардаги халқаро кўргазмаларда намойиш этилди.

– Ёшларни бой тарихимиз, халқимиз ўтмиши ва замонавий маданияти, жаҳон санъати намуналари билан таништириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, эстетик дидини шакллантириш ва ривожлантириш ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, – дейди музей директори Мариника Бобоназарова. – Устозимиз



Игорь Савицкий қадимий ёдгорликлар наинки бугунги авлоднинг ўз аждодлари ўтмиши ва ҳаёти ҳақида билиши учун, балки келажак учун, ўзлигини сақлаб қолиши йўлида ҳам хизмат қилиши кераклигини, тасвирий санъат асарлари одамларга эстетик завқ бағишлаши билан бирга, уларда эзгуликни уйғотиши лозимлигини таъкидлар эди.

Музейда турли ёш, касб ва миллатга мансуб кўплаб кишиларни учратиш мумкин. Шу замин фарзандлари – мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари музейнинг доимий томошабинлари. Музей мутасаддиларининг айтишича, бундай экскурсиялар тизимли равишда йўлга қўйилган бўлиб, мазкур масканда, шунингдек, тарих дарслари, маънавият ва маърифат соатлари, рассомлик, ҳайкалтарошлик, графика бўйича назарий ва амалий машғулотлар ташкил этилмоқда.

– Музейда жамланган аждодларимизнинг ақл-заковати, маданияти, турмуш тарзи ҳақида сўзловчи бу ноёб ёдгорликлар бугунги давримизгача асраб-авайлаб келинаётгани қувонарлидир, – дейди Хўжайли туманидаги 56-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари Олмагул Алимбетова. – Бу бебаҳо меросдан халқимиз, айниқса, ёшларимиз қанчалик кўп баҳраманд бўлса, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик катта муваффақиятларга эришамиз. Мактабимиз ўқувчилари учун тарихий ёдгорликлар, қадимий қалъалар, музейлар бўйлаб экскурсиялар ташкил этиш анъанага айланган.

Экскурсияни музейнинг қадимги Хоразм маданияти ва санъати ёдгорликларига бағишланган бўлимидан бошлаган ўқувчилар музей ходимларини саволларга кўмиб ташлайди. Экскурсовод саволларга жавоб қайтаради: музей экспозицияси кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларига бағишланган бўлимдан бошланиши, бу ерда Жанубий Оролбўйи минтақасининг палеолит давридан ривожланган ўрта асрларгача бўлган даврга оид маданият ёдгорликлари ўрин олгани, палеолит, неолит, бронза, антик даврларга доир турли экспонатлар тўғрисида батафсил ҳикоя қилади. Тарихга саёҳатдан чиқарилган асосий хулоса шу бўлдики, бу ерда кўрган ва эшитганларимиз қадимий диёримиз жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири эканини ашёлар билан далиллайди. Бундай бой тарихдан фахрланиш, уни чуқур ўрганиш, аждодларимизга муносиб авлод бўлиш лозим.

Экспозициянинг тасвирий санъат бўлимидан жой олган «Дарёдаги туман» асари олдида ўқувчиларнинг нисбатан кўплиги эътиборимизни тортди. Булар Нукус маданият ва санъат коллежи ўқувчилари, уларнинг айнан мазкур асар билан алоҳида қизиқаётгани бежиз эмас, деди музей илмий котиби Музаффара Эшонова.

Унинг айтишича, яқинда музейнинг реставрация бўлими ходимлари рассом Михаил Соколовнинг 1920-йилларда ишланган «Дарёдаги туман» асарини реставрация қилиш пайтида тасодифан унинг остида яна бир бошқа асар борлигини аниқлашибди. Рентген текширувида расм остида қимматбаҳо тошлар билан безатилган устбош ва қалпоқ кийган мўйсафид портрети чизилгани маълум бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Михаил Соколов йигирманчи асрнинг таниқли рассомларидан. Қатағон йиллари Сибирга сургун қилинган бу рассомнинг асарлари жаҳоннинг машҳур музейлари ва хусусий коллекцияларида сақланади. Нукус музейида унинг 18 сурати ва 288 график асари мавжуд.

Музейдаги тасвирий санъат асарлари билан танишар экансиз, уларнинг аксариятида инсонлар ва уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари, диёримизнинг хушманзара табиати ёрқин бўёқларда тараннум этилади. Юртимизга хос кенглик ва чексизлик, бағрикенг инсонлар картиналарда юксак маҳорат билан тасвирланади. Уларни диққат билан томоша қилган киши она заминимиз тафтини, дарё ва сойларимиз шовқинини, теракзору қамишзорларимиз овозини ҳис этади.

Вақтлар, замонлар ўтаверади. Қадим Жайҳун соҳилидаги жавоҳирлар хазинасининг қадри ва қиммати, жумлаи жаҳоннинг ҳайрати ва ҳаваси ошиб бораверади. Нукус санъат музейи халқимиз ва дунё халқлари маънавиятини юксалтиришга, инсонларда эзгуликни тарбиялашга хизмат қилаверади.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

*Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар.*

ЭЪЛОНЛАР

**«TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

*БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!*

Аукцион савдоларига "АГРОБАНК" ОАТБга тегишли, бошланғич нархи 22 188 500 сўм бўлган 2004 йилда и/ч, д/р 01 728 JAA OPEL VEKTRA, бошланғич нархи 9 771 200 сўм бўлган 1993 йилда и/ч, д/р 01 684 JAA ГАЗ-3307, бошланғич нархи 6 519 200 сўм бўлган 1996 йилда и/ч, д/р 01 694 JAA РАФ микроавтобуси, бошланғич нархи 12 812 600 сўм бўлган 1999 йилда и/ч, д/р 01 693 JAA ПАЗ-3205 русумли автобус, 3 907 500 сўм бўлган 1992 йилда и/ч, д/р йўқ "Чимган" SF-260 русумли Минитрактор, бошланғич нархи 3 000 000 сўм бўлган 1990 йилда и/ч, ЭП-0806 русумли Электропогрузчик, бошланғич нархи 12 057 000 сўм бўлган 2007 йилда и/ч, д/р 01 724 JAA HAFEI SONG HUAJIANG русумли автомобиль қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уйда, 2012 йил 31 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2012 йил 31 май куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 7, 14 ва 21 июнь кунлари қайта ўтказилади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан "АГРОБАНК" ОАТБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар (талабнома)ни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг ариза (талабнома)лари Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтохур филиалидаги 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй. Тел: 144-66-55.**

***Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар диққатига!***

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Буюртмачи: Андижон вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти.**

*(Андижон шаҳар Истиқлол кўчаси 8-уй. Тел: (8-374) 224-49-82, факс: 224-66-62*

**Андижон вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг 2-ўқув биносини капитал таъмирлаш;**

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан)** — 120 000 000 сўм.

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз)** — 100 000 000 сўм.

**Ишларни туғаллаш муддати:** 50 кун.

**Ишларни молиялаштириш:** Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Диққат!** Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Андижон ш. Чинобод кўча 59-уй, тел./факс 226-72-02.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: **70 000 сўм.**

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзар-18 д. 14 кв-ра 18, выданный БТИ Чиланзарского р-на на имя Аллабердиева Алибека Салимовича, считать недействительным.

Тошкент ш. Статистика бош бошқармаси томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент ш. Яккасарой т. бўлимига 29.08.2010 й.да берилган № 18106242 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

СП ООО "BIOMAX COSMETICS" (ИНН 207072652), зарегистрированное ИРСП Хокимията Юкори Чирчикского р-на Ташкентской обл. от 20.04.2012 г. (в соответствии с Протоколом № 2 общего собрания учредителя от 30.04.2012 г.), ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: Ташкентской обл. Юкори Чирчикский р-н КФЙ "Барданкул" ул. Мустакиллик д. 4.

Утерянную зачётную книжку № 321-03, выданную в 2012 г. ТАТУ (Тошкент Ахборот Технологиялари Университети) на имя Ильхомова Фарходжона Позил угли, считать недейсвительной.

Утерянную зачётную книжку, выданную в 2012 г. ТДТУ (Тошкент Давлат Техника Университети) на имя Рузматова Умиджона Уктямовича, считать недействительной.

"OMON AVTO PLUS" МЧЖнинг Устав фонди 395 963 552 сўмдан 220 850 064 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Даъволар учун тел.: 186-41-25.

Утерянные кадастровые документы на квартиру, расположенную по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н м-в Строитель д. 3 кв-ра 89, выданный БТИ Сергелийского р-на на имя Алибаева Рефата Ахметкаримовича, считать недействительным.

ООО "ABDURASUL KARAXANOVICH" (ИНН 302202846), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Хокимията Шайхантахурского р-на (№ 005735-09 от 10.02.2012 г.) расположенное по адресу: ул. Навои д. 42 кв-ра 54, ликвидируется (приказ учредителя № 4 от 30.04.2012 г.) Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 809-89-19.

СП ООО "GESTIYA BUSINESS" (ИНН 301339518) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 2 634 935,31 долларов США до 384 724 000,00 сум. Кредиторы имеют право предъявлять претензии в течение 1 месяца с даты опубликования настоящей информации в средствах массовой информации, по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Шахрисабз д. 3 кв-ра 41. Тел.: 250-42-24.

Утерянный кадастровый документ № 3235 от 16.11.2009 г., выданный М.Улугбекской кадастровой службой Управление земельных ресурсов и гос. кадастра г. Ташкента на квартиру, расположенного по адресу: г. Ташкент, М.Улугбекский р-н ул. Садыкова-Ярославская д. 4 кв-ра 11, выданный на имя Садыкова Марата Саидмуратовича, считать недействительным.

ООО "KOREA AUTOMATIVE GAS TECHNOLOGY" (ИНН 207138394) в связи с выходом из состава участников — ООО "U-K GAZ SYSTEM" объявляет об уменьшении уставного фонда с 38 270,6 долларов США до 25 407,75 долларов США. По всем вопросам обращаться по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский р-н ул. Зиёлилар д. 42.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎЙ томонидан (реестр № 004193-01, 04.02.2011 й.) рўйхатга олинган "NEFTGAZTAHLIL SERVIS" МЧЖ (СТИР 301828415), 25.04.2012 й.даги таъсисчиларнинг 2-сонли йиғилиш қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 142-00-05.

Совместное предприятие ООО "EKOBIOKIM" (ИНН 204988756), зарегистрированное в Министерстве Юстиции Республики Узбекистан (реестр № 287 от 09.04.2004 г.) объявляет о реорганизации в ООО "EKOBIOKIM". А так же объявляет о снижении уставного фонда со 150 000 долларов США до 75 000 долларов США. Претензии принимаются в течение двух месяцев по тел.: 268-15-23.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент Шайхантахурский р-н ул. С.Дарбаза д. 2а кв-ра 10, выданный БТИ Шайхантахурского р-на г. Ташкента на имя Гуламова Хамит, считать недействительным.

Утерянный план и договор купли-продажи квартиры по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н Чиланзар-21 д. 1 кв-ра 86, выданный Учтепинским БТИ на имя Каримовой Рихсибуви Жўраевны, считать недействительным.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан жисмоний шахс Полванов Абдугафур номига Тошкент ш. Сергели т. Қуйи тол-арик 3-тупик 16-уй манзили учун 26.04.2010 й.да берилган: № 1608 сонли (форма 18) маълумотномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Азат Мансуровга акаси

**Муҳаммад МАНСУРОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: **Қабулхона** — 236-58-83, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 236-56-25, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 233-76-78, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-56-21, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-28-04, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: **Қорақалпоғистон Республикаси** – (8-361) 352-54-58; **Андижон** – (8-374) 970-99-13; **Бухоро** – (8-365) 593-27-57; **Жиззах** – (8-372) 366-61-16; **Наманган** – (8-369) 562-19-59; **Фарғона** – (+998-91) 137-06-83; **Самарқанд** – (+998-97) 756-68-27; **Сирдарё** – (8-367) 588-06-89; **Тошкент** – (+998-97) 800-29-61; **Хоразм** – (8-362) 520-69-14; **Қашқадарё** – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: М.ҒАФУРОВ

Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ

Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-514, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.10
22573 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.